(1896-йил, Хўжанд - 1938-йил, 7-май)

Давлат ва жамоат арбоби бўлган Абдулла Рахимбоев Хўжанд шахрининг Раззоки махалласида савдогар оиласида дунёга келган. 1910-1912-йилларда у Самарканддаги эркаклар гимназиясида, сўнгра Тошкентдаги ўкитувчилар семинариясида билим олди (1917). У 14 та тилни билган.
А. Рахимбоев 1919-йилдан бошлаб совет идораларида хизмат кила бошлади. Туркистон АССР МИКнинг раиси (1920-1922), Туркистон АССР Маориф халк комиссари лавозимларида ишлади. унинг онгига “коммунистик гоя”ни сингдириш учун 1922-йилда у Москвага чакирилади. Марказий хукумат кошидаги “тайёрлов”дан сўнг А. Рахимбоев Бухоро Компартияси ва Туркистон КПнинг Марказий Кўмитаси котиби лавозимларида ишлади (1923-24). Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказишда фаол катнашди ва бу тадбирни кўллаб-кувватлади.
А. Рахимбоев 1925-йилдан Москвада яшай бошлади. СССР халклари Марказий нашриёти бошкармаси раиси лавозимида ишлади (1928). Сўнгра у Душанбега юборилди. Тожикистон ССР ХККнинг раиси (1934-1937) сифатида хам фаолият кўрсатди.
А. Рахимбоев 1937-йилда камокка олинди ва 1938-йил 7-майда отиб ташланди.